

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.39.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

НИГМАТУЛЛАЕВ БАХТИЁР АЛИМОВИЧ

***SILYBUM MARIANUM* (L.) GAERTN. VA *ONOPORDUM ACANTHIUM* L.
НИНГ БИОЛОГИЯСИ, ФИТОЦЕНОЛОГИЯСИ ВА
ТАБИИЙ ЗАҲИРАЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD)**

Нигматуллаев Бахтиёр Алимович

Silybum marianum (L.) Gaertn. va *Onopordum acanthium* L. нинг
биологияси, фитоценологияси ва табиий захиралари 5

Нигматуллаев Бахтиёр Алимович

Биология, фитоценология и природные запасы *Silybum marianum* (L.)
Gaertn. и *Onopordum acanthium* L. 21

Nigmatullaev Bakhtiyor Alimovich

Biology, phytocenology and natural resources of *Silybum marianum* (L.)
Gaertn. and *Onopordum acanthium* L..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.39.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

НИГМАТУЛЛАЕВ БАХТИЁР АЛИМОВИЧ

***SILYBUM MARIANUM* (L.) GAERTN. ВА *ONOPORDUM ACANTHIUM* L.
НИНГ БИОЛОГИЯСИ, ФИТОЦЕНОЛОГИЯСИ ВА
ТАБИИЙ ЗАҲИРАЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/В186 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳимова Ташханим
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шомуродов Хабибулло Файзуллоевич
биология фанлари доктори

Муқумов Илҳом Ўктамович
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.39.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «17» май куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (37-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2019 йил «3» май куни тарқатилди.
(2019 йил «3» майдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Б.А. Адиллов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Ф.О. Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда 500 мингга яқин юксак ўсимликлар маълум бўлиб, уларнинг 5% фармакологик фаоллиги аниқланган доривор турлар ҳисобланади. Ҳозирда мавжуд фармакологик препаратларнинг 60% доривор ўсимликлардан олинсада, кўпгина турларининг хом ашёси етарли эмас. Шунга кўра, фармацевтика саноатини хом ашё билан таъминлаш учун истиқболли доривор турлар ресурсларини аниқлаш ва уларни етиштириш йўллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда жигар ва онкологик касалликларни даволашда кенг қўлланилаётган доривор ўсимликларни инвентаризациялаш ва ишлаб чиқаришга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, гепатопротектор ва цитотоксик таъсирга эга турлар аниқланди, уларнинг хом ашё манбалари баҳоланди ва доривор субстанциялари асосида препаратлар ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Таъкидлаш лозимки, улар айрим қимматбаҳо турларининг турли локал ҳудудларнинг фитоценотик шарт-шароитларига кенг мослашувчанлиги ва жамоалар ҳосил қилиш имкониятларининг юқорилиги уларни биоэкологик хусусиятларини асослаш, ресурс имкониятларидан фойдаланиш ва тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий хом ашё базасини яратиш заруратини белгилаб бермоқда. Бу борада, гепатопротектор таъсирга «Карсил», Дарсил», «Легалон» препаратларининг асосини ташкил этувчи *Silybum marianum* ва халқ табобатида кенг қўлланилаётган *Onopordum acanthium* лар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ўсимликлар жамоаларида тутган ўрнини асослаш, хом ашё захираларини баҳолаш ва сифатли хом ашё тайёрлаш йўллари ишлаб чиқиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирда республикамызда доривор ўсимлик турларини инвентаризациялаш, ресурсларини баҳолаш ва маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида табиий дори воситалари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, маҳаллий ўсимлик хом ашёларидан гепатопротектор таъсирга субстанциялари ажратиб олинди, улардан «Гепасил» ва «Глацембрин» препаратлари ишлаб чиқилди ва фарм зоналар асосида доривор ўсимликлар хом ашё базаси мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида¹ «... фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, *Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium* нинг биоэкологик хусусиятларини асослаш, табиий захиралари баҳолаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сон “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда махкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Silybum marianum* нинг кимёвий таркиби, ишлатилиши тўғрисидаги маълумотларни М. Fiebig (1984), W. Sun (1998), J. Harborne, H. Baxter, (1999), M. Shibano (2007), B. Ba-bu (2010) каби хорижлик олимлар тадқиқотларида кўриш мумкин. МДХ мамлакатларида ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятлари ва кимёвий таркибини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар В. А. Куркин (2010), З.Е. Цветкова (2014), Л.П. Рыбашликова (2014), Н.Х. Рахмонзод (2016), А.С. Чубарова (2017) лар томонидан олиб борилган. Республикамиз миқёсида *Silybum marianum* нинг айрим биоэкологик хусусиятларини И.В. Белолипов, А. Исламов (2001) ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўриш мумкин. Н.У. Мирзаева, С.Д. Гусакова олаўтнинг флаволигнанлари ва липидларини, К.С. Жаунбаева ва Р.К. Раҳмонбердиевалар (2017) ер устки қисмидаги полисахаридларни аниқлаганлар. *Onopordum acanthium* нинг тарқалиш ареали, табиий ва интродукция шароитларидаги кимёвий таркиби, ишлатилиши тўғрисида В. Drozd, M. Holub, Z. Samek (1968), J. Harborne, Gerard (1999), T. Umezawa (2003) каби хорижлик олимлар тадқиқотлар олиб боришган. МДХ мамлакатларида кимёвий таркиби ҳақида М.П. Глушко (2016), И.Д. Кароматов (2017) тадқиқотларида келтирилган. Республикамизда Н.Т. Ульченко ва С.Д. Гусаковалар (1979) томонидан оққарракнинг ёғлари ва липидлари ўрганилган.

Аммо адабиётлардаги бу маълумотлар республикамиз шароитида ушбу истиқболли доривор ва интродуцент ўсимликларни (*Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium*) кенг миқёсда етиштиришга тавсия бериш имконини бермайди. Шу боисдан, республикада ушбу турларнинг рудерал ўсимликлар жамоаларидаги фитоценологик хилма-хиллигини тавсифлаш, табиий захирасини аниқлаш, онтогенез давомида мавсумий ўсиш ва ривожланишини ўрганиш, фитокимёвий таркибини таҳлил қилиш, етиштириш усулларини ишлаб чиқиш долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т197 «Ўзбекистон флораси ёввойи ўсимликлари алкалоидларининг кимёвий тузилиши модификацияси, синтези ва биоэкологик фаоллиги, янги доривор препаратлари ва биореактивлар учун замин яратиш» (2012-2016), ФА-Ф-7-005 «Ўзбекистон флораси алкалоид сақловчи ўсимликлари тадқиқотлари асосида биологик фаол субстанциялар яратишнинг фундаментал асослари» (2017-2018) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium* нинг рудерал ўсимликлар қопламидаги фитоценотик хилма-хиллигини ва биологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Silybum marianum ва *Onopordum acanthium* нинг рудерал ўсимликлар қопламида тутган ўрнини ўрганиш;

турларнинг табиий захираларини баҳолаш ва анатомик тузилишини аниқлаш;

Тошкент шароитида ўстирилган турларнинг биологик хусусиятларини онтогенез давомида ёритиб бериш;

турларнинг мавсум давомида ўсиш ва ривожланишини кузатиш;

тадқиқот объекти ер устки қисмининг фитокимёвий таркибини таҳлил қилиш;

турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталарини тузиш;

турларнинг интродукция шароитида етиштириш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти *Asteraceae* Dumort. (Қоқиўтдошлар) оиласига кирувчи *Silybum marianum* (L.) Gaertn. (Оддий олаўт) ва *Onopordum acanthium* L. (Оддий оққаррак) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети *Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium* ларнинг биоморфологияси, фитоценологияси, анатомияси, фитокимёси ва етиштириш йўллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анъанавий геоботаника, лаборатория ва дала тажрибалари, ГАТ хариталарини тузиш, фенологик, морфологик, биометрик ва статистик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор рудерал ўсимликлар қоплами учун *Silybum marianum* нинг 10 та ва *Onopordum acanthium* нинг 12 та ассоциациялари аниқланган;

илк бор Тошкент шароитида *Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium* нинг онтогенез даврлари ва босқичлари аниқланган;

атмосфера ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқ ҳолда турларнинг мавсумий ўсиш ва ривожланиши хусусиятлари очиқ берилган;

Silybum marianum ва *Onopordum acanthium* нинг суткалик ва мавсумий гуллаш динамикаси аниқланган ҳамда потенциал, ҳақиқий уруғ

маҳсулдорликлари ва маҳсулдорлик коэффициенти баҳоланган;

Silybum marianum таркибидаги силимарин миқдорининг ер устки қисмлари бўйича ўзгарувчанлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фармацевтика саноатида ўсимликлар хом ашёси идентификацияси учун фойдаланиладиган диагностик белгилари аниқланган;

Silybum marianum ва *Onopordum acanthium* ларнинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос келувчи етиштириш усуллари ишлаб чиқилган;

турлар фитомассасининг турли ўсимлик жамоаларидаги ўзгарувчанликлари ҳамда ўсимликларнинг биологик ва йиллик заҳиралари аниқланган;

турлар заҳираларининг республикада тарқалиши акс эттирувчи ГАТ хариталари тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда қўлланилган замонавий усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал ва амалий лойиҳаларни бажарилиши давомида тан олинганлиги, диссертация амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти илк бор *Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium* иштирокидаги рудерал жамоалар фитоценотик хилма-хиллигининг исботланганлиги, интродукция шароитида турларнинг ўсиши ва ривожланишининг очиб берилганлиги, онтогенез хусусиятлари ва фитокимёвий таркибининг асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослашган хўжаликларда ўсимликларни илмий асосланган ҳолда кўпайтиришда фойдаланиш, кенг масшабли плантацияларини барпо этиш ва фармацевтика саноатини хом ашё билан таъминланишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium* нинг биологияси, фитоценологияси ва табиий заҳиралари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

Silybum marianum нинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос келувчи етиштириш усуллари Сурхондарё вилояти Боботоғ давлат ўрмон хўжалиги тасарруфидаги ерларга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 12 декабридаги 05/21-4163-сон маълумотномаси). Натижада *Silybum marianum* нинг 10 гектар майдонда плантациясини ташкил этиш ва сифатли хом ашё олиш имконини берган;

Silybum marianum нинг республикада тарқалган хом ашё заҳиралари ва ценопопуляциясининг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари ФА-А11-Т-195 рақамли «*Silybum marianum* ва *Glycyrrhiza glabra* флавоноидлари асосида янги «Гепасил» ва «Глацембрин» препаратларини яратиш»

мавзусидаги амалий лойиҳада гепатопротектор таъсирига эга бўлган табиий препаратлар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 24 октябридаги 4/1255-2806-сон маълумотномаси). Натижада *Silybum marianum* нинг маҳаллий хом ашёси асосида жигар касалликларини даволашда қўлланиладиган «Гепасил» доривор субстанциясини олиш имконини берган;

Silybum marianum ва *Onopordum acanthium* ларнинг Тошкент шароитидаги интродукцияси натижалари Ботаника институти хузуридаги Тошкент Ботаника боғининг «Интродукцияланган ўсимликлар» ноёб объектининг доривор ўсимликлар коллекциясига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 13 декабридаги 21/1255-3266-сон маълумотномаси). Натижада доривор ўсимликлар фондини бойитиш ва *ex situ* шароитида *Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium* нинг коллекциясини яратиш имконини берган.

Илмий ишнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Доривор ўсимликларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ва уларнинг аҳамияти» деб номланган биринчи боби Ўзбекистонда доривор ўсимликларни ўрганилиш тарихига, рудерал ўсимликлар тавсифига, *Asteraceae* оиласи ҳақидаги маълумотларга бағишланган.

Ҳозирги вақтда доривор препаратларнинг 60 % дан кўпроғи табиий ўсимликлар хом-ашёсига тўғри келади. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида жами 590 га яқин доривор ўсимликлар номи тилга

олинган. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар давомида уларнинг сони 520 дан ортиқ эканлиги кўрсатилган. Улардан 178 тури Ўзбекистон ҳудудида ўсиши ҳамда 110 тури ёввойи ҳолда, 68 тури маданий ҳолда ўсиши аниқланган (Холматов, Аҳмедов 1995). Профессор Х.Х. Холматовнинг (1992) берган маълумотига кўра, 4500 турдан 577 тур ўсимликлар инсонлар ҳаётида шифобахш хусусиятга эга эканлиги алоҳида қайд этилган. Қ.Х. Ходжиматов (1980), К. Тойжонов (2005) ва А.А. Ибрагимов (2016) ва бошқаларнинг маълумотларида ўрганилаётган ўсимликлар ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу ўсимликлар қадимдан табиблар томонидан ишлатилиб келинган ва кўпгина қадимий манбаларда келтирилган.

Silybum marianum ва *Onopordum acanthium* рудерал ўсимликлар ҳисобланади. Рудерал жамоалар таркибига кирувчи ўсимликлар маҳсулдорлиги юқори ҳисобланади ва чорва молларига ем-хашак сифатида қўлланилади. Рудерал жамоалар таркибида кўпгина доривор ва нектар сақловчи ўсимликлар ҳам бор. Бундай ўсимликлар йўл ёқалари, темир йўл атрофларини мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Демак, бир қарашда зарарли деб ҳисобланган рудерал ўсимликлар инсонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Asteraceae – қоқиўтдошлар оиласи А.Л. Тахтаджян (1981) маълумоти бўйича икки паллали ўсимликларнинг энг катта оиласи бўлиб, бу оилага 1150 дан 1300 гача туркум ва 20 000 дан ортиқ турлар киради. Бу оила вакиллари ҳамма жойда учратиш мумкин, тундрадан экваторгача, денгиз соҳилларидан альп чўққиларигача, улар қумликларда ва қора тупроқларда ҳам кенг тарқалган. Улар Марказий Осиё флорасининг 15% дан кўпрогини ташкил қилади. Озуқа сифатида маданий ва ёввойи ўсимликларнинг 2000 га яқин тури мавжуд бўлиб, улардан 600 га яқини экиб ўстирилади.

Диссертациянинг «**Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот объекти ва методлари**» деб номланган иккинчи бобида ҳудуднинг иқлими, тупроқлари, рельефи, геологик тузилиши, гидрографияси ва ўсимлик дунёси ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, тадқиқот объектининг қисқача тавсифи ва тадқиқот методлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Геоботаник тадқиқотлар «Методические указания по геоботаническому обследованию естественных кормовых угодий Узбекистана» (1980), номли китоби асосида бажарилди. Ўсимликнинг онтогенез даврларини ўрганишда Т.А. Работнов (1950); мавсум давомида ривожланишини И.В. Борисова (1972), И.Н. Бейдеман (1974) методларидан фойдаланилди. Гулининг морфологик белгилари Ал.А. Фёдоров, З.Т. Артюшенко асосида, гуллаш биологияси О.А. Ашурметов ва Ҳ.Қ. Қаршибоев (2008) методлари асосида бажарилди. Илмий изланишлар мобайнида тўпланган натижаларни статистик қайта ишлаш Б.А. Зайцев (1991) қўлланмаларига асосан амалга оширилди. Ўсимликларнинг табиий заҳираларини аниқлашда М.Г. Пименов (1970) ва И.И. Мальцев (1990) методларидан фойдаланилди. Ўсимликларнинг номлари С.К. Черепановнинг (1995) маълумотлари асосида, ҳаётий шакллари

«Определитель растений Средней Азии (1971-2015) асосида келтирилди.

Диссертациянинг «Турларнинг рудерал ўсимлик қопламида тутган ўрни» деб номланган учинчи боби *Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium* ning фитоценотик тарқалишига бағишланган. Ўсимликларнинг рудерал ассоциациялар таркибида тарқалиши Ўзбекистонда ўрганилмаган. Геоботаник тадқиқотлар натижасида Жиззах вилоятида *S. marianum* иштирок этган тўртта ассоциацияси тавсифланди: ажрикли-олаўтли-адраспанзор, олаўтли-аччикмиязор, олаўтли- откулоқзор ва олаўтли-бошоқзор.

Ушбу тўртта ассоциация таркибида 50 дан ортиқ тур учрайди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан олаўтнинг биттадан янтоқли-олаўтзор ассоциацияси ажратилди. Сурхондарё вилоятдан эса бешта шўрالي-олаўтзор, бошоқўтли-олаўтзор, еризимумли-олаўтзор, ширинмияли-олаўтзор, ажрикли-қирлаттатиканли-олаўтзор ассоциациялари тавсифланди.

Хулоса қилиб айтганда, *S. marianum* ning рудерал ўсимликлар қопламида жами 10 та ассоциациялари илк бор тавсифланди. Шундан олтига янги ассоциациясида доминантлик қилиши, тўрттасида эса субдоминант ҳисобланиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Silybum marianum доминант ва субдоминантлик қилган ассоциациялар

№	Ассоциациялар	Координата-лари	Вилоят-лар	Доминантлар ва субдоминантлар
1.	Ажрикли-олаўтли-адраспанзор (<i>Peganum harmala</i> – <i>Silybum marianum</i> , <i>Cenodon dactylon</i>)	N40°58'456" E68°07'768"	Жиззах	<i>Peganum harmala</i> , <i>Silybum marianum</i> , <i>Cynodon dactylon</i>
2.	Олаўтли- аччикмиязор (<i>Vexibia pachycarpa</i> , <i>Silybum marianum</i>)	N40°02'251"E 68°05'446"	-/- -/-	<i>Vexibia pachycarpa</i> , <i>Silybum marianum</i>
3.	Олаўтли – откулоқзор (<i>Rumex confertus</i> , <i>Silybum marianum</i>)	N40°03'310" E67°57'611"	-/- -/-	<i>Rumex confertus</i> , <i>Silybum marianum</i>
4.	Олаўтли- бошоқзор (<i>Agropyron repens</i> , <i>Avena sativa</i> , <i>Bromus danthoniae</i> , <i>Silybum marianum</i>)	N39°02'456"E 67°00'318"	-/- -/-	<i>Agropyron repens</i> , <i>Avena sativa</i> , <i>Silybum marianum</i>
5.	Янтоқли- олаўтзор (<i>Silybum marianum</i> , <i>Alhagi pseudalhagi</i>)	N39°00'465"E 66°50'227'	Қашқадарё	<i>Silybum marianum</i> , <i>Alhagi pseudalhagi</i>
6.	Шўрالي- олаўтзор (<i>Silybum marianum</i> , <i>Chenopodium album</i>)	N38°24'110"E 68°04'049"	Сурхондарё	<i>Silybum marianum</i> , <i>Chenopodium album</i>
7.	Бошоқўтли- олаўтзор (<i>Silybum marianum</i> , <i>Alopecurus myosuroides</i> , <i>Cenodon dactylon</i> , <i>Bromus inermis</i>).	N38°19'188"E 68°00'327"	Сурхондарё	<i>Silybum marianum</i> , <i>Cynodon dactylon</i> , <i>Bromus inermis</i>
8.	Еризимумли-олаўтзор (<i>Silybum marianum</i> , <i>Erysimum canescens</i>).	N38°20'023"E 68°01'535"	Сурхондарё	<i>Silybum marianum</i> , <i>Erysimum canescens</i>
9.	Ширинмияли-олаўтзор (<i>Silybum marianum</i> , <i>Glycyrrhiza glabra</i>).	N39°00'344"E 66°50'096"	Сурхондарё	<i>Silybum marianum</i> , <i>Glycyrrhiza glabra</i>
10.	Ажрикли-қирлаттатиканли- олаўтзор (<i>Silybum marianum</i> , <i>Cirsium alatum</i> , <i>Cenodon dactylon</i>).	N38°13'210"E 67°48'148"	Сурхондарё	<i>Silybum marianum</i> , <i>Cirsium alatum</i> , <i>Cynodon dactylon</i>

Onopordum acanthium ning табиий шароитда тарқалиши бўйича маълумотлар жуда кам. Фақат «Растительный покров Узбекистана» монографиясининг (1984) 4-жилдида А.Я. Бутков, Ғ.Х. Хамидов, Ў.

Алланазаровалар *Onopordum acanthium* нинг қирқбўғинли-толзор, ҳар хил ўтли-терақзор, толли-юлғунзор ассоциациялари таркибида Sol₁ толличакандазорда эса Sp₂ мўлликда учрашини (1975 йилги ёзилган қайдномалар асосида) қайд этганлар. Тадқиқотлар давомида Тошкент вилоятининг Зангиота туманидан иккита ассоциация тавсифланди. Жиззах вилояти, Зомин туманидаги, Зомин миллий боғидаги оққаррак иштирок этган иккита, Тошкент вилояти Оҳангарон туманидан *O. acanthium* иштирок этган саккизта ассоциациялар ажратилди.

Шундай қилиб, *O. acanthium* нинг доминант ва субдоминантлик қилган жами 12 та янги ассоциация тавсифланди. Шундан учтасида оққаррак доминант, бештасида субдоминант ва тўрттасида иштирокчи сифатида қатнашганлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал


Onopordum acanthium доминант ва субдоминантлик қилган ассоциациялар

№	Ассоциациялар	Координаталари	Вилоятлар	Доминантлар ва субдоминантлар
1.	Оққарракли-ковулли-зангпояли-янтоқзор (<i>Alhagi pseudalhagi</i> , <i>Conium maculatum</i> , <i>Capparis rosanowiana</i> , <i>Onopordum acanthium</i>).	N40°58'456" E68°07'768"	Тошкент	<i>Alhagi pseudalhagi</i> , <i>Conium maculatum</i> , <i>Capparis rosanowiana</i> , <i>Onopordum acanthium</i>
2.	Ширинмияли-оққарракзор (<i>Onopordon acanthium</i> , <i>Glycyrrhiza glabra</i>).	N41°19'151" E69°19'482"	-/-/-	<i>Onopordum acanthium</i> , <i>Glycyrrhiza glabra</i>
3.	Оққарракли-қашқарбедали-дастарбошзор (<i>Achillea filipendulina</i> , <i>Melilotus officinalis</i> , <i>Onopordum acanthium</i>).	N39°41'527" E68°26'210"	Жиззах	<i>Achillea filipendulina</i> , <i>Melilotus officinalis</i> , <i>Onopordum acanthium</i>
4.	Оққарракли-қирлаттатиканзор (<i>Cirsium alatum</i> , <i>Onopordon acanthium</i>).	N39°02'456" E67°00'318"	-/-/-	<i>Cirsium alatum</i> , <i>Onopordon acanthium</i>
5.	Ҳар хил ўтли-кўзтиконли-оққарракзор (<i>Onopordum acanthium</i> , <i>Centaurea iberica</i> , <i>Salvia deserta</i> , <i>Marrubium alternidens</i> , <i>Anchusa azurea</i> , <i>Cichorium intybus</i>).	N41°01'399" E70°08'336"	Тошкент Охангрон	<i>Onopordum acanthium</i> , <i>Centaurea iberica</i> , <i>Salvia deserta</i> , <i>Anchusa azurea</i>
6.	Ҳар хил ўтли-қатронзор (<i>Crambe kotschyana</i> , <i>Pulicaria salviifolia</i> , <i>Chondrilla juncea</i> , <i>Onopordum acanthium</i>).	N41°02'254" E70°10'388"	-/-/-	<i>Crambe kotschyana</i> , <i>Pulicaria salviifolia</i> , <i>Onopordum acanthium</i>
7.	Ҳар хил ўтли-дастарбошли-бутазор (<i>Atraphaxis seravschanica</i> , <i>Cerasus tianschanica</i> , <i>Rosa canina</i> , <i>Rubus caesius</i> , <i>Achillea filipendulina</i> , <i>Onopordum acanthium</i> , <i>Ferula tenuisecta</i> , <i>Hordeum bulbosum</i>).	N41°05'441" E70°20'202"	-/-/-	<i>Atraphaxis seravschanica</i> , <i>Rosa canina</i> , <i>Rubus caesius</i> , <i>Achillea filipendulina</i> , <i>Onopordum acanthium</i>
8.	Ҳар хил ўтли-тиконзор (<i>Centaurea ruthenica</i> , <i>Onopordum acanthium</i> , <i>Cichorium intybus</i> , <i>Plantago lanceolata</i> , <i>Potentilla asiatica</i>).	N41°08'109" E70°19'525"	-/-/-	<i>Centaurea ruthenica</i> , <i>Onopordum acanthium</i> , <i>Cichorium intybus</i>
9.	Дарахт аралаш-бутазор (<i>Atraphaxis pyrifolia</i> , <i>Cerasus tianschanica</i> , <i>Rosa canina</i> , <i>R. kokanica</i> , <i>Juniperus sevarschanica</i> , <i>J. semiglabosa</i> , <i>Onopordum acanthium</i> , <i>Origanum titthanthum</i>).	N41°06'170" E70°39'377"	-/-/-	<i>Atraphaxis pyrifolia</i> , <i>Cerasus tianschanica</i> , <i>Juniperus sevarschanica</i> , <i>Onopordum acanthium</i>

10.	Кўзтиконли-хўкиз тилли-оққарракзор (<i>Onopordum acanthium</i> , <i>Anchusa azurea</i> , <i>Centraurea iberica</i>).	N41°06'545" E70°29'167"	-//-/-	<i>Onopordum acanthium</i> , <i>Anchusa azurea</i> , <i>Centraurea iberica</i>
11.	Оққарракли-болтириқли-олабутазор (<i>Atriplex tatarica</i> , <i>Cardoria repens</i> , <i>Onopordum acanthium</i>).	N41°06'506" E70°29'045"	-//-/-	<i>Atriplex tatarica</i> , <i>Cardoria repens</i> , <i>Onopordum acanthium</i>
12.	Оққарракли-шувокзор (<i>Artemisia dracuncululus</i> , <i>Onopordum acanthium</i>).	N41°04'433" E70°43'294"	-//-/-	<i>Artemisia dracuncululus</i> , <i>Onopordum acanthium</i>

Бу ассоциациялар таркибида 40-60% кўп йиллик ўсимликларнинг учраши Ўрта Осиё тоғли худудлари учун хос хусусиятдир.


Диссертациянинг «*Silybum marianum* ва *Onopordum acanthium* нинг тарқалиши, табиий захиралари ва ер устки органларининг структуравий хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида *S. marianum* ва *O. acanthium* ларнинг Ўзбекистонда тарқалиши, уларнинг табиий захиралари, ҳамда вегетатив, генератив органларининг анатомик тузилиши ҳақида маълумотлар берилган. *S. marianum* Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида тарқалган (1-расм).



1-расм. *Silybum marianum* нинг Ўзбекистонда тарқалиш харитаси

S. marianum турининг Ўзбекистонда аниқланган майдони 62,1 га ни, биологик захираси-54,6 тоннани, йиллик тайёрлаш мумкин бўлган миқдори - 27,3 тоннани ташкил қилди. *Onopordum acanthium* нинг Тошкент ва Жиззах вилоятларида 28 гектарни ташкил қилиб, биологик захираси 9,35 тонналиги, йиллик тайёрлаш мумкин бўлган миқдори 4,27 тонналиги баҳоланди.

O. acanthium Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган (2-расм).



2-расм. *Onopordum acanthium* нинг Ўзбекистонда тарқалиш харитаси


S. marianum нинг вегетатив ва генератив органларининг анатомик тузилишини ўрганиш асосида уларнинг диагностик белгилари аниқланди.

Ўсимликлардаги биологик фаол моддалар барг мезофили, поясининг пўстлоқ қисмларида ва уруғида жойлашганлиги аниқланди. Бу диагностик белгилар мазкур турларни *Asteraceae* оиласи вакиллариининг тузилиши билан ўхшашлигини изоҳлайди. Аниқланган диагностик белгилар турларни фармсаноатда, уларнинг хом ашёсини идентификациялаш жараёнида фойдаланилади.

Диссертациянинг «**Турларнинг интродукция шароитида биоэкологик хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида ўрганилган турларнинг интродукция шароитида онтогенези, мавсумий ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, уруғ маҳсулдорлиги ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

S. marianum уруғларининг шакли овалсимон, қиррали, қаттиқ, туксиз, силлиқ, узунлиги 5-8 мм, эни 3-4 мм катталиқда бўлиб, кўндаланг кесими эллипссимон. Ранги сарғиш, оч жигаррангдан тўқ жигарранггача, баъзан кулранг. 1000 дона уруғ оғирлиги 23,62-24,0 г ни ташкил қилди. Попукчасининг узунлиги 1-1,5 см бўлиб, сутсимон оқиш рангли. Лаборатория шароитида уруғ унувчанлиги учун оптимал ҳарорат 20-30⁰С ҳисобланади. Уруғлар ушбу ҳароратда 2-кундан кейин уна бошлади ва 4-кунни 98 % ни ташкил қилди. Дала шароитида кузда экилган уруғларнинг 80-82% униб чиқди. Бу вақтда ҳаво ҳарорати 28-32⁰С ни, тупроқ юзасининг ҳарорати 18,6-20⁰С ни ташкил этди. Сентябрь ойида экилган уруғлар 10-15 кун ўтгандан кейин униб чиқа бошлади. Илдиз 5-6 см чуқурлашди. Майса босқичда-уруғпалла барглари 2 та этли, тескари тухумсимон шаклда бўлиб,

тўқ яшил рангли, силлик. Барг пластинкасининг узунлиги 3-4 см, эни 2-2,5 см га етди. Ювенил босқичда бир жуфт чин барглари уруғлари унгандан 18-20 кундан кейин пайдо бўлди. Октябрь, ноябрь ойларида 10 тагача барглари пайдо бўлди. Декабрь, январь, февраль ойларида ўсимликлар тиним даврида бўлиб, ўсимликнинг асосий барглари келгуси йил баҳоргача яшил тўпбарглари ҳолида сақланиб қолди. Уларнинг узунлиги 20-24 см, эни 7-7,5 см ни ташкил қилди. Ўсимликлар март ойининг охири ва апрелнинг бошида, жадал сурьатлар билан ўса бошлади. Имматур босқичда поя шаклланиб, ўсимликда ён новдалар ҳосил бўлди. Уларнинг узунлиги апрель ойида 7-15 см га, май ойида эса 20-30 см га етади. Виргинил ҳолатда ўсимликнинг баландлиги апрель охири май бошида 100-140 см ни ташкил этади. Умумий виргинил даври 210-225 кун давом этади. *S. marianum* гунчалаш даврининг бошланиши, апрель ойининг иккинчи ва учинчи декадасига тўғри келди. Гуллашининг бошланиши май ойининг ўрталарида кузатилиб, бу пайтда ўсимлик баландлиги 140-150 см га етди. Мевалашининг бошланиши эса май охирига тўғри келди. Уруғларининг пишиб етилиши июнь ойининг охиригача давом этади ва улар ривожланиш фазаларини ҳаммасини ўтди. Гунчалаш, гуллаш, уруғлаш фазалари об-ҳаво шароитига қараб 60-70 кунни ташкил этди. Ҳар бир ўсимликнинг поясида биринчи тартибли новдалар сони 5-7 та, иккинчи тартибли новдалар 2-3 тадан ҳосил бўлганлиги кузатилди. Ўсимлик 5 тадан 11 тагача тўпгул ҳосил қилди. Июнь ойининг бошларига бориб уларнинг бўйи 150-170 см га етганлиги кузатилди (3-расм).



3-расм. *Silybum marianum* нинг онтогенез схемаси

Генератив даври 60-70 кун давом этди. *Silybum marianum* гулларининг сутка давомида энг кўп очилиш вақти июнь ойининг бошларида соат 10⁰⁰ дан 15⁰⁰ гача кузатилиб ва у сутка давомида очиладиган гулларнинг 70% ига тўғри келади. Бу вақтда ҳавонинг ҳарорати 26-32⁰С, нисбий намлиги эса 50-55% ни ташкил этди. Соат 16⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача, якка-якка гуллар очилди, шундан кейин гуллаши тўхтади.

Мавсумий гуллаш динамикаси об-ҳавога боғлиқ бўлиб, май-июнь ойларида, битта ўсимликда 9-11 та тўпгул ҳосил қилиб, улар бирин-кетин 38-40 кун давомида очила бошлади. Ўсимликнинг битта тўпгулидаги гулларнинг очилиш давомийлиги 7-10 кунни ташкил этди. 7-10 кун давомида бир саватчада 135-143 та гул очилди. Гул саватчасининг диаметри 2,0-4,5 см га етди (4-расм).



4-расм. *S. marianum* тўпгулининг кўриниши

Шундай қилиб, гуллаш жараёни об-ҳавога боғлиқ бўлиб, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва нисбий намликнинг пасайиши билан очилган гуллар сони кўпайиб борди. Ҳаво ҳароратининг 4-5⁰С га пасайиши ва нисбий намликнинг кўтарилиши очилган гуллар сони камайишига сабаб бўлди.


Гулларга асосан арилар, пашшалар, капалаклар кўпроқ кўнади. Булардан ташқари чумолилар ҳам қатнашиб энтомофил чангланиш вужудга келади.

Silybum marianum нинг кузги экилганида битта ўсимликнинг ўртача потенциал уруғ маҳсулдорлиги (ПУМ) 1242±35,1, ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги (ҲУМ) 828±19,6 донани, маҳсулдорлик коэффиценти (МК) 66,6 % ташкил қилди. Ўрганилган ўсимликларда ПУМ ва ҲУМ об ҳаво шароитига қараб ўзгариб туради. Ўсимликнинг умумий вегетация даври 300-310 кунни ташкил этди.

O. acanthium нинг уруғи овалсимон, суст тўртқиррали, оч жигарранг ёки қора доғли жигарранг, 4-6 мм узунликда, эни 2-3 мм уруғининг учида пушти, уруғдан осон ажраладиган туки бор, у уруғдан бир неча баробар узун бўлиб, кўп қаторли толалардан иборат, асоси доирага бириккан. 1000 дона уруғи 15,6-18,0 г ни ташкил қилди. Лаборатория шароитида уруғлар 3-кундан кейин униб чиқа бошлади ва 5-кунда 88% ни ташкил қилди. Уруғ унувчанлиги учун оптимал ҳарорат 20-30⁰С ҳисобланади. Дала шароитида кузда экилган уруғлар 74-76,5% униб чиқди. Бу вақтда ҳаво ҳарорати 28-32⁰С ни, тупроқ юзасининг ҳарорати 18,6-20⁰С ни ташкил этди. Уруғлар унувчанлигини 5 йилгача йўқотмайди. Виргенил даврида сентябрь ойининг бошида экилган уруғлар 18-20 кундан кейин униб чиқа бошлади. Уруғпалла барглари нинг шакли тухумсимон, оқиш рангли, гўштдор бўлиб, уларнинг узунлиги 1-1,5 см ни, эни 0,8-1,0 см ни ташкил қилди. Уруғлар униб чиққандан 22-25 кундан кейин биринчи, иккинчи чин барглар ҳосил бўлиб, ўсимликнинг ювенил ҳолати бошланди. Октябрь ойининг охирида яна 3-4

та ассимиляцияловчи барглар ҳосил бўлди. Уларнинг узунлиги 5-7 см, эни 1,5-5,0 см бўлиб, четлари тўлқинсимон, сарғиш тиканли, юзаси оқ туклар билан қопланганлиги сабабли, барглар оқиш туюлади. Ноябрь ойида ўсимлик бўйи 10-20 см гача ўсди. Декабрь, январь, февраль ойларида ўсимликлар тиним даврида эди. Қишлаб қолган ўсимликларнинг ўсиши келаси йил баҳорда март ойининг охири, апрель ойининг бошидан, жадал суръатлар билан ўса бошлади. Имматур ҳолатда поя шаклланиб, ўсимликда ён новдалар ҳосил бўла бошлайди. Уларнинг узунлиги апрель ойида 4-12 см га етади. Виргинил ҳолатида баландлиги апрель охири май бошида 90-130 см ни ташкил этади. Виргинил даври 230-245 кун давом этади.

O. acanthium нинг ғунчалаши май ойида бошланди. Майнинг охирига бориб ўсимликнинг бўйи 140-150 см ни ташкил қилди. Ҳар бир тупда 6-13 тагача тўпгул ҳосил бўлди. Ўсимликнинг гуллаши майнинг охирларига, мевалаш-июнь бошларига, уруғларининг пишиши эса июль ойининг охирларигача тўғри келди. Ғунчалаши 38-46 кун, гуллаши 42-45 кун, уруғлаши 40-46 кун давом этди. Июнь ойининг бошларига бориб, уларнинг бўйи 150-160 см га етди (5-расм).



5-расм. *O. acanthium* нинг онтогенез схемаси

Генератив даври 68-75 кун давом этди. Суткалик гуллаши июнь ойининг ўрталарида соат 8⁰⁰ ларда бошланиб, кеч соат 19⁰⁰ ларгача давом этади, энг кўп гулларнинг очилиш вақти соат 10⁰⁰ дан 14⁰⁰ гача тўғри келади. Бу вақтда ҳаво ҳарорати +28-33⁰С, нисбий намлик 45-55% ни ташкил этди. Мавсумий гуллаш динамикасида *O. acanthium* 6-13 та тўпгул ҳосил қилиб, улар биринкетин 42-45 кун давомида очилди. Ўсимлик битта тўпгулидаги гулларнинг очилиш давомийлиги 7-10 кунни ташкил этди. Бир саватчада 120-140 та гул очилди. Гулларнинг ялпи очилиши июн ўрталарига тўғри келди. Гул саватчасининг диаметри 2,0-3,0 см га етди (6-расм). Биз ўрганаётган ҳар икки ўсимлик ҳам энтомофил чангланишга мослашган ўсимликлар қаторига киради.



6-расм. *O. acanthium* нинг тўпгули

O. acanthium нинг битта ўсимликнинг ўртача потенциал уруғ маҳсулдорлиги (ПУМ) $1016 \pm 39,4$, ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги (ХУМ) $696 \pm 20,2$ маҳсулдорлик коэффиценти (МК) эса 68,5% ташкил этди. Ўсимликнинг умумий вегетация даври иқлим ўзгариши ҳамда ёғин миқдorigа қараб 310-320 кунни ташкил этди. Бу эса И.В. Борисованинг (1972) классификацияси бўйича, кузги-баҳорги ва эрта ёзги вегетациясини давом эттирувчи феноритмотипига мансублигини кўрсатади.

Диссертациянинг “Ўсимликларнинг интродукция шароитида кимёвий таркиби ва етиштириш йўллари” деб номланган олтинчи бобида ўсимликларнинг интродукция шароитида ер устки қисмининг фитокимёвий таркиби ва етиштириш йўллари бўйича маълумотлар келтирилган.

S. marianum ер устки қисмининг гексанли экстракти таҳлил қилинганда 11 та, бензолли экстрактида 10 та бирикмалар идентификация қилинди. Шаҳрисабз ва Бойсун-Денов ҳудудларидан терилган уруғларида энг кўп силимарин миқдори 1,40-1,84% ни, энг кам миқдори Шаҳрисабз, Ҳисор ҳудудларидан терилган ер устки қисмида 0,63-0,64% ни, Тошкент интродукция шароитида эса ер устки қисмида 1,50%, уруғида 3,10% ни ташкил қилиши аниқланди.

O. acanthium ер устки қисмининг гексанли экстрактида 44 та бирикмалар идентификация қилинди, улардан асосийлари *n*-додекан (1.17%), 5', 5', 8'-триметил-спиро (тетрагидрофурил) 2,1' (декалин) (1.14%), метил салицилат (1.50%), триацетин (4.36%), *цис*-изоэвгенол (1.82 %), *n*-нонадекан (15.42%), лаурин кислотаси (1.11%), бутил-октилфталат (20.80%), 2, 6, 10, 14, 18 – пентаметил - эйкозана (3.22%) ва пентакозан (32.24%) йиғиндиси 82.90% ташкил қилди. Бензолли экстрактда 69 та бирикмалар идентификация қилинди. Улардан асосийлари, бицикло [4.2.0] окта - 1,3,5 - триен (6.73%), хемимеллитен (4.10%), тириэтилцитрат (4.82%), диизобутилфталат (15.02%), дибутилфталат (16.77%) и *n*-нонакозан (5.11%) экстрактда умумий йиғиндиси 81.39% ни ташкил қилди.

Интродукция шароитида *S. marianum* нинг гуллаган даврида ер устки қисмидан, ҳар гектарига 74-89 ц дан куруқ масса олинди. Уруғ ҳосилдорлиги гектарига 10-12 ц ни ташкил қилди.

O. acanthium да ер устки массаси гектарига 60-80 ц ни, уруғи 6,8-8,0 ц ни

ташқил қилди. Ўсимликларнинг қиш мавсумида ҳаво ҳароратининг -5°C - 7°C гача чидамлилиги қайд этилди. Уруғларни оптимал экиш муддати сентябрь ойининг биринчи декадасида эканлиги аниқланди. Ўсимликларнинг суғоришга бўлган талаби-3 балл, рақобатбардошлиги-3 балл, интродукция мувоффақияти-5 баллни ташқил этди. Ўсимликларда касалликлар кузатилмади. Бу эса интродукция муваффақиятини билдиради.

Ўрганилган ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятлари ўсиш ва ривожланиши, морфологик кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги, уларни интродукция шароитига тўлиқ мослаша олганлиги, бу ўсимликларни республикамизнинг адир ва тоғ олди районларида етиштириш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

“*Silybum marianum* (L.) Gaertn. ва *Onopordum acanthium* L. нинг биологияси, фитоценологияси ва табиий заҳиралари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида рудерал ўсимликлар қопламида учун *Silybum marianum* нинг 10 та, Тошкент ва Жиззах вилоятларида *Onopordum acanthium* нинг 12 та ассоциациялари мавжуд. Доминантлик қилган ушбу турлар майдонининг ва жамоалар сонининг кенгайиб бориши кучли антропоген босим натижасидир.

2. *Silybum marianum* нинг Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларидаги майдони 62,1 гектарни, биологик заҳираси 54,6 тоннани, йиллик тайёрлаш мумкин бўлган миқдори 27,3 тоннани; *Onopordum acanthium* нинг Тошкент ва Жиззах вилоятларида майдони 28 гектарни ташқил қилиб, биологик заҳираси 9,35 тоннани, йиллик тайёрлаш мумкин бўлган миқдори 4,27 тоннани ташқил этади.

3. Турлар уруғ унувчанлигини 5 йилгача йўқотмайди ва улар лабораториядаги (88-98%) каби дала (74-82%) шароитида ҳам юқори кўрсаткичга эга. Уруғлар униши учун оптимал ҳарорат $20-30^{\circ}\text{C}$ оралиғида бўлиб, бу эса ўсимликларнинг эвритерм гуруҳига мансублигини исботлайди.

4. Мавсумий ривожланиш бўйича турлар кузги-баҳорги ва эрта ёзги феноритмотипга мансуб бўлиб, умумий вегетация даври *Silybum marianum* да 300-310 кун, *Onopordum acanthium* да 310-320 кун давом этади.

5. Турларнинг гуллаши тупроқ-иқлим шароитига боғлиқ ҳолда 38-45 кун давом этиб, гулларининг энг кўп очилиши ҳавонинг ҳарорати $26-32^{\circ}\text{C}$, нисбий намлиги 50-55% ва соат 10^{00} - 15^{00} ларда кузатилади.

6. *Silybum marianum* нинг қуруқ ҳолдаги ер устки ҳосилдорлиги гектарига 74-89 ц ни, уруғи эса 10-12 ц ни; *Onopordum acanthium* да шунга мувофиқ 60-80 ва 6,8-8,0 ц ни ташқил этади. Интродукция шароитида эса ер устки ҳосилдорлиги табиий шароитниқидан 4-5 марта кўп бўлиб, бу ўсимликларни етиштириш шароитларига қулай мосланувчан имкониятларга эга эканлигини изоҳлайди.

7. *Silybum marianum* да силимариннинг энг кўп миқдори (1,40-1,84%) Шаҳрисабз ва Бойсун-Денов популяцияларидаги уруғларида, энг кам миқдори Шаҳрисабз, Ҳисор популяцияларидаги ер устки қисмида (0,63-0,64%), интродукция шароитида эса ер устки қисмининг вегетатив органларида 1,50%, уруғида 3,10% ни ташкил қилади. *Onopordum acanthium* нинг гексанли экстрактида 44 та бирикмалар, бензолли экстрактида 69 та бирикмалар учрайди.

8. *Onopordum acanthium* барг оғизчаларнинг аномоцит ва гемипарацит типлиги, эпидермада 3-6 хужайрали оддий тукларнинг мавжудлиги, ўтказувчи боғламларнинг биколлатерал типлиги, пояда бурчаксимон колленхиманинг мавжудлиги; *Silybum marianum* эпидермис хужайраларида тукларнинг мавжуд эмаслиги, барг оғизчаларининг аномоцит типлиги, пояда ғоваксимон колленхиманинг мавжудлиги турларни фармацевтика саноатида идентификациялаш учун калитли белгилар ҳисобланади.

9. Ўсимликларни интродукцион баҳолаш (13 баллик шкалада 11 баллни ташкил этди) бўйича иккала тур ҳам истиқболли ҳисобланади ва ушбу турларни республикамизнинг адир ва тоғ олди районларида кенг майдонларда етиштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.В.39.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

НИГМАТУЛЛАЕВ БАХТИЁР АЛИМОВИЧ

**БИОЛОГИЯ, ФИТОЦЕНОЛОГИЯ И ПРИРОДНЫЕ
ЗАПАСЫ *SILYBUM MARIANUM* (L.) GAERTN. И
ONOPORDUM ACANTHIUM L.**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/B186.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.floruz.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Рахимова Ташханим доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Шомуродов Хабибулло Файзуллоевич доктор биологических наук Мукумов Илхом Уктамович кандидат биологических наук
Ведущая организация:	Ташкентский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится «17» мая 2019 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.B.39.01 при Институте ботаники и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100125, г.Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, e-mail: botany@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрировано за №37). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан «3» мая 2019 года.
(реестр протокола рассылки №1 от «3» мая 2019 года)

К.Ш. Тожибаев
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., академик

Б.А. Адиллов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.б.н., старший научный сотрудник

Ф.О. Хасанов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире известно около 500 тысяч растений, 5% из них являются лекарственными растениями с фармакологической активностью. В настоящее время 60% существующих фармакологических препаратов получают из лекарственных растений, но сырье большинства видов растений недостаточно. Исходя из этого, выявление ресурсов перспективных лекарственных видов для обеспечения фармацевтическую промышленность растительным сырьем и разработка методов их выращивания имеют важное научно-практическое значение.

В мире особое внимание уделяется инвентаризации и привлечению в производство лекарственных растений, широко применяемых при лечении болезней печени и онкологических заболеваний. В этом отношении, в том числе, выявлены виды с гепатопротекторным и цитотоксичным действиями, оценены источники их сырья и начато производство препаратов на основе лекарственных субстанций. Следует отметить, что широкое приспособление некоторых их ценных видов к фитоценотическим условиям различных локальных флор и высокая возможность образования сообществ определяют необходимость обоснования их биоэкологических особенностей, использования ресурсоспособностями и создание локальной сырьевой базы исходя из почвенно-климатических условий местности. В этом отношении, особое значение имеют *Silybum marianum*, составляющий основу препаратов «Карсил», Дарсил», «Легалон» гепатопротекторного действия и *Onopordum acanthium*, широко применяемый в народной медицине, обоснование их роли в растительных сообществах, оценка ресурсов их сырья и разработка методов приготовления качественного сырья приобретают важное научно-практическое значение.

На сегодняшний день в нашей республике особое внимание уделяется инвентаризации лекарственных видов растений, оценке их ресурсов и разработке естественных лекарственных средств на основе местного растительного сырья. На основе программных мер, осуществленных в данном направлении, достигнуты значительные результаты, в том числе, из местного растительного сырья выделены субстанции гепатопротекторного действия, из них разработаны препараты «Гепасил» и «Глацембрин» и на основе фармацевтических зон укреплены сырьевая база лекарственных растений. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ поставлены задачи по «...дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, обеспечение населения и медицинских учреждений дешевыми и качественными лекарственными средствами». Исходя из этих задач, в том числе, обоснование биоэкологических

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

особенностей *Silybum marianum* и *Onopordum acanthium*, оценка природных ресурсов и дать рекомендации в производство приобретают важное научно-практическое значение.

